

Ота-онанинг сўкилишига йўл қўймаслик



11:01 / 01.07.2020 1859

Ота-онага қилинадиган яхшиликлардан бири уларни сўкилиш, ҳақоратнинг барча кўринишларидан сақлашдир. Бу сўкиш хоҳ уларнинг ўзларидан содир бўлсин ёки бошқалардан, бунга йўл қўймаслик керак. Агар сиз ота-онангизни хафа қиладиган, ғазаблантирадиган иш қилсангиз, улар сизни, зотингизни сўксалар, бу билан ўзларини сўккан бўлиб қоладилар. Ўзларини ўзлари сўкишларига сиз сабабчи бўляпсиз. Шунинг учун уларни хафа қиладиган иш қилмаслик керак. Ёки бирор кишига ёмонлик қилсангиз, ёмонлик кўрган одам ота-онангиздан бирларини сўкиши мумкин. Бунга ҳам йўл қўймаслик, ҳеч кимга ёмонлик қилмаслик керак. Ёки сизга кимдир ёмонлик қилса, сиз ўша одамнинг ота-онасидан бирини сўксангиз, у ҳам сизнинг ота-онангизни ҳақорат қилади. Мана шундай ҳолатлардан эҳтиёт бўлиш керак. Ота-онани сўкилишдан эҳтиёт қилиш уларга қилинадиган энг катта яхшиликлардандир.

Ибн Сунний Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қиладилар: «Албатта, Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам бир кишини кўрдилар, ёнида кичкина бола ҳам бор эди. У зот ўша болага **«Бу киши ким?»** дедилар. Бола «Отам» деди. Шунда у зот соллаллоҳу алайҳи васаллам **«У ҳолда ундан олдинда юрма, уни ҳақорат қилишларига сабабчи бўлма, ундан олдин ўтирма ва уни исми билан чақирма»** дедилар».

Ибн Абу Дунё раҳимаҳуллоҳдан, у киши Абул Махориқ розияллоҳу анҳудан мурсал тарзда ривоят қилинади:

Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам дедилар: **«Мени исро қилдирилган кечада Аршнинг нурига ботиб кетаётган кишининг ёнидан ўтдим. «Бу ким? Фариштами?» деб сўрадим. «Йўқ» дейилди. «Набийми?» дедим. «Йўқ» дейилди. «Унда ким у?» деб сўрагандим, «Бу тили дунёда Аллоҳнинг зикри сабабли нам бўлган, қалби масжидларга боғланган ва ота-онасининг сўкилишига йўл қўймаган киши» деди».**

«Саҳиҳайн»да «Албатта, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам **«Ота-онасини лаънатлаганга Аллоҳнинг лаънати бўлсин!»** дедилар». деган ривоят келган.

«Саҳиҳайн»да Абдуллоҳ ибн Амр ибн Ос розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам **«Кишининг ўз ота-онасини сўкиши кабира гуноҳлардандир»** дедилар. «Эй Аллоҳнинг Расули, киши ўз ота-онасини ҳам сўкадимми?» дейишди. У зот **«Ҳа, у бирор одамнинг отасини сўкади, у ҳам бунинг отасини сўкади. У бирор кишининг онасини сўкади, у ҳам бунинг онасини сўкади»** дедилар.

Муҳаммад Нур Сувайднинг «Болани набавий тарбия қилиш йўли» китобидан Нозимжон Ҳошимжон таржимаси